

ШАРТНОМА № 6

(озик овқат махсулотлари ва товар моддий бойликлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳақида)

5 январь 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама ҳужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Истиклол» КТДФХ (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Р.Махаммаджонов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги ҳамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Мактабгача таълим бўлими номидан раҳбари в.в.б О.Зияева (келгусида «Харидор» деб аталади) урталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» шартноманинг 1,2,бандида кўрсатилган махсулотларни белгиланган муддатларда «Харидор» га сотишни, «Харидор» махсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. «Сотувчи» жадвалда кўрсатилган қуйидаги махсулотларни «Харидор» га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Махсулот қиймати	ККС	Сумма
1	Ёғли сут	литр	8750	4200	36750000		36750000
	Жами;						36750000

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси 36750000 (ўттиз олти миллион етти юз эллик минг) сўмни ташкил этди.

2. ТАРАФЛАРНИ ХУКУЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

- Ушбу шартномани 6.2 бандида кўрсатилган муддатларда ҳисоб китоблар амалга оширилишини «Харидор» дан талаб қилишга;
- «Харидор» шартнома шартларини бузган ҳолда махсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, «Сотувчи» шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- «Харидор» томонидан махсулот учун ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- «Харидор» шартномани 6.2 бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, «Сотувчи» махсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан кўрилган зарарни «Харидор» дан талаб қилишга ҳақлидир;

2.2 «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган махсулотни «Харидор» томонидан берилган буюртмада кўрсатилган микдорда ва муддатларда ўзига тегишли бўлган омборидан бериш;(сотиш).
- Етказиб берилаётган махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос келишини таъминлаш;
- «Харидор» га етказиб берган хар кунги махсулоти учун 2 нусхада ҳисоб фактура тақдим қилиб борилади ва ой якунида тўлиқ етказиб берилган махсулоти учун МТБ марказий ҳисоб хонасига якуний ҳисоб фактура тақдим этиши лозим;
- Махсулотга тўлов ёки товар транспорт ҳужжатларини махсулот қабул қилинган кунни расмийлаштириб бериш;
- «Сотувчи» махсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;
- Агар «Сотувчи» шартномани 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, 2022 йил 20 январгача «Харидор»га сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;
- Махсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, «Харидор»га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

2.3. «Харидор»; нинг ҳуқуқлари

Махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос келишни «Сотувчи»дан талаб қилиш; «Сотувчи»дан ушбу шартномада кўрсатилган махсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган махсулот етказиб берилганда «Харидор» ўз хоҳишига кўра «Сотувчи»га махсулотни қайтариш;

Зарур сифатидаги махсулотни «Сотувчи» ўз ҳисобидан Харидорга қайта етказиш;

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этиш.

«Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақлидир.

2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

а) Махсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегишли ҳақни олдиндан 30% миқдорда тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

3.1 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3.2 Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинисига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

3.3 Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рўхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинорий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

3.4 Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рўхсатномалар ва бошқа рўхсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширмаи хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз

равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

3.5 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

3.6 Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларга мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган даб ҳисобланади;

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича якуний ҳужжатлар тузилган сана «Сотувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Якуний ҳисоб китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасасидаги штампида кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича «Харидор» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Олинadиган туркумдаги маҳсулот учун тегишли бўлган ҳақ «Сотувчи»нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «Сотувчи» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни «Харидор»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

4.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги маҳсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

4.5. Маҳсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Харидор»да келадиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

«Харидор» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд маҳсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қилади.

4.6. «Харидор» маҳсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, маҳсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақланишига «Харидор»нинг ўзи жавоб беради.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

5.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган маҳсулотни сифати ГОСТ, ТШ талабларига жавоб беришни таъминлайди, маҳсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

5.2. Маҳсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

6. МАХСУЛОТ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Маҳсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «Сотувчи» «Харидор»ни ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг «Харидор» етказиб бериладиган туркум маҳсулот баҳосини 30% миқдорда олдиндан ҳақини тўлаб беради ва маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

6.3. Агар етказиб берилаётган маҳсулотга (хом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва хоқозо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу маҳсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Маҳсулот бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир мажбурият бажарилмаган қисмини 0.5% миқдорида пеня тўлайди, бунда умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулот суммасининг 50%дан ошмаслиги лозим.

7.2. Махсулот сифати ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулот етказиб берилган учун «Сотувчи» «Харидор» га ушбу махсулот баҳосининг 5% микдорда жарима тўлайди.

7.3. Бут бўлмаган махсулот етказиб берилгинлиги учун «Сотувчи» «Харидор» га етишмаслиги қисмлари қийматини кўшган ҳолда, бут бўлмаган махсулот қийматининг 20% микдорида жарима тўлайди.

7.4. Етказиб берилган махсулот танлаб олмаганлиги ёки танлаб олишни асоссиз рад этганлиги учун «Харидор» «Сотувчи» га танлаб олинмаган махсулот баҳосининг 5% микдорида тез бузиладиган махсулот учун эса 10% микдорда жарима тўлайди.

7.5. Шартномада кўрсатилган махсулот учун вақтида ҳисоб-китобни амалга оширмаганлик учун «Харидор» «Сотувчи» га ўтказиб юборган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0.4% микдорда пеня тўлайди. Бунда пеня суммасини кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

8. ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ва ҳоказо) тўғрисида бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

9. НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажарилиш тартиби юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал этилади.

9.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар ҳўжалик суди томонидан хал қилинади.

10. ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2022 йил 31 декабр гача тўла ижро этилгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва ҳар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Ҳазначилик бошқармаси (бўлинма) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнгра қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«Истиклол» КТДФХ

Бағдод тумани

Х/р: 20208000603783425001

Банк. АТБ Агро банк Бағдод филиал

МФО: 00504 ИНН: 202559490

Телефакс

«ХАРИДОР»

Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими

Бағдод тумани

ШХ/р: 1000228603020970911002510038

СТИР: 305153881 Оконх:


Молия Вазирлиги Ҳазначилиги ягона

Ҳазна ҳисоб варағи МФО 00014

Х/Р 23402000300100001010


Марказий банк Тошкент в.ХКММ

Ҳазначилик бўлими СТИРи 201122919

Рахбар:  Р.Махаммаджонов

Рахбар: 

О.Зияева



YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIĞI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi – Shartnoma.

2.Loyihaning nomi- Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi bilan “Истиклол” КТДФХ о'rtasida oziq-ovqat mahsulotlari va tovar moddiy boyliklar, xom-ashyo va materiallar sotib olish haqida.

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 12 yanvar kuni elektron tizim orqali taqdim etilgan.

Taqdim etilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonuni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 25 iyuldagi 626-son Qarori bilan tasdiqlangan “Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish tartibi to'g'risida” gi Nizomning 36-bandi 2-qismi talablariga muvofiq tuzilgan.

**Bag'dod tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**

R.Umarov

